



ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

PhD Мусаханова Гулнора Мавляновна
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
"Инновацион таълим" кафедраси доценти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a38

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф томонидан бугунги кунда талабаларнинг касбий компетенцияларини интегратив ёндашув асосида ривожлантиришнинг назарий асосларини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ушбу жараёнда учраётган муаммолар борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар: умумкасбий фанлар, узлуксизлик, узвийлик, мутахассислик, компетентлик, таълим, компетенция, замонавий ёндашувлар.

РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА

PhD Мусаханова Гулнора Мавляновна
доцент кафедры «Инновационное образование»
Ташкентский государственный экономический университет
доктор философии по педагогическим наукам

Аннотация. В данной статье автор размышляет о проводимой сегодня работе по изучению теоретических основ развития профессиональных компетенций студентов на основе интегративного подхода, и проблемах, возникающих в этом процессе.

Ключевые слова: общие науки, преемственность, связность, специализация, компетентность, образование, компетентность, современные подходы.

DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF STUDENTS BASED ON AN INTEGRATIVE APPROACH

PhD Musakhanova Gulnora Mavlyanovna
Associate professor of the department of
"Innovative Education" doctor of philosophy in pedagogy,
Tashkent State University of Economics

Annotation. In this article, the author reflects on the work being carried out today to study the theoretical foundations of the development of professional competencies of students based on an integrative approach, and the problems arising in this process.

Keywords: communication, competence, education, competence, specialist, modern approaches, pedagogical activity.

Кириш. Бугунги кунда юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги замон талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг калити ҳисобланади.

Шундай экан, барча фанларни ўқитиш тизимли мувофиқлаштирилган бўлиши, бу ягона мақсад, давр талабларига мувофиқ, касбий мослаша оладиган тармоқли мутахассисларни тайёрлашга қаратилган бўлмоғи лозим. Таълим сифатини ошириш бугунги кунда бугун жаҳон ҳамжамиятидаги энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Уни ҳал этиш

учун эса таълим мазмунини модернизациялаш, таълим жараёни технологияларини ва сўзсиз таълимнинг якуний мақсадини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Таълимни жамият маданиятини ўзлаштириш асосида таълим олувчилар фаолиятининг турли соҳаларида шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятини ривожлантиришнинг махсус ташкил этилган жараёни сифатида қараш мумкин. Таълим мақсадини бундай тушуниш эса ўз навбатида, компетентли ёндашувни рўёбга чиқариш учун асос яратади.

Талабаларнинг касбий компетенцияларини интегратив ёндашув асосида ривожлантириш педагогик муаммо сифатида эканлигини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрловчи, коммуникатив компетенцияларига эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони [2] қабул қилинганлиги айтиш мумкин.

Мазкур фармонда миллий ўқув дастурига асосан 2026 йилга қадар 699 номдаги, шу жумладан, 2022 йилда 296 номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари ҳамда мобил иловаларни яратиш, миллий ўқув дастури бўйича янги методикаларга ўқитувчиларни ўқитиш мақсадида Электрон малака ошириш платформаси учун 2026 йилга қадар жами 769 та видеодарс яратиш, умумтаълим мактабларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизимини жорий этиш каби масалаларига катта аҳамият қаратилган. Бу эса талабаларнинг касбий компетенцияларини интегратив ёндашув асосида ривожлантиришга асос бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Сўнгги йилларда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви асосида ривожлантириш, жаҳон цивилизация ютуқларидан кенг фойдаланиш, халқаро илғор тажрибалар асосида таълим муассасаларининг моддий-техник базасини бойитиш ҳамда ўқитиш жараёнига илғор таълим технологияларини ва дастурий таъминотларни татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасидаги муаммолар бугунги куннинг долзарб ҳисобланган масалаларидан биридир. Шу боис “Таълим тўғрисида”ги қонунда таълим ташкилотларини ривожлантириш, таълим ташкилотларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ўқув дастурларини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш, ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ва ажралмаган ҳолда (сиртқи, кечки, масофавий) таълим олишни ташкил этиш, кадрлар-

ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, умумий ўрта, ўрта махсус таълимни ва бошланғич профессионал таълимни бепул олиш, оилада ёки мустақил ўқиш орқали таълим олган фуқароларга, шунингдек, умумий ўрта таълим олмаган шахсларга аккредитациядан ўтган давлат таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминлаш тизими акс эттирилган [1]. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” [3] фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги 606-сонли “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” [4] қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу мақоламиз муайян даражада хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

С.М.Ветвицкаянинг фикрича, интеграция – “ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш”, “бир бутун қилиб бирлаштириш”, “яхлит ҳолга келтириш” экани таъкидланади. Интеграция турли хил қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёни. Интеграция жараёнлари ташкиллаштирилган тизимларда бўлиши мумкин – бу ҳолда улар тизим бутунлик даражасини ва ташкиллаштирилган даражасини кўтаради [8].

А.И.Авазбоев ва Я.У.Исмадияров таърифича, интеграция – у ёки бу фаннинг уларни унификациялар ва мажмуалаштиришга олиб келадиган таркибий қисмларнинг ягона дунёқараш мантиқий-методологик ўзаро таъсири жараёни. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида интеграция жараёни дифференциация жараёнига нисбатан устунлик қилмоқда. Илмий билимлар дифференциацияси фан, техника тараққиётида маълум аҳамиятга эга, аммо у ҳал қилувчи аҳамият касб этмайдди. Бу вазифани илмий билимлар интеграцияси жараёни бажаради [7].

И.П.Шутова фанларни интеграциялашган ҳолда ўқитиш уларнинг туташ мавзуларини бир вақтда ва бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш имкониятини яратади, деб ҳисоблайди. Интеграциялаш фанларни ўқитишнинг янгича ёндашувидир. Бундай дарслар турли фанларнинг ўқув материаллари бир-бирини тўлдириши ҳисобига вақтни тежаш имкониятини беради [12].

Бизнинг фикримизча, касбга йўналтирилган амалий вазифалар билим, кўникма ва малакалар интеграциялашувини ва муаммоларни ҳал қилишда шаклланган тажрибалар асосида талабаларнинг дунёқараши, касбига ҳиссий муносабатини янада оширади. Ҳиссий аҳамиятга эга бўлган муносабат талабаларнинг амалий вазифаларни ҳал қилишга тайёрлигини белгилайди ва бу вазифалар орқали унинг касбий компетенцияларини ривожлантириш устида ишлашлари бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.


Тадқиқот методологияси. Мазкур ишда талабаларнинг касбий компетенцияларини интегрatív ёндашув асосида ривожлантиришнинг мазмуни, мақсади, вазифалари ўрганилди.

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида талабаларнинг касбий компетенцияларини интегрatív ёндашув асосида ривожлантиришга оид адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, педагог, психолог, социолог олимларнинг ушбу мавзуда олиб борган излашлари, олимлар ва соҳа вакилларининг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, жараёнларни кузатиш амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар. Жамиятимиз ривожланиш босқичида интеграция жараёни дифференциация жараёнига нисбатан устунлик қилмоқда. Илмий билимлар дифференциацияси фан, техника тараққиётида маълум аҳамиятга эга, аммо у ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Бу вазифани илмий билимлар интеграцияси жараёни бажаради.

Таълим тизимига татбиқ этилганидек, “интеграция” концепция сифатида икки хил маънога эга: *биринчи навбатда*, у талабалар атрофидаги дунёнинг яхлит кўринишини ҳосил қилади (бу ерда интеграция таълимнинг мақсади деб ҳисобланади), *иккинчидан*, у мавзу билимларининг яқинлашиши учун умумий платформани топади (бу ерда интеграция – ўрганиш воситаси). Амалда билимларнинг интеграциялашувидан мақсадга йўналтирилмаган ҳолда фойдаланиш кўпроқ даражада амалга оширилади. Узоқ муддатли кузатувлар шуни кўрсатадики, умумкасбий фанлар бўйича ўқиётган талабалар математика, физика ва информатика фанларини ўрганишда билим, кўникма ва малакаларни қўллашда қийинчиликларга дуч келади. Уларда мустақил фикрлаш, олган билимларини ўқшаш бўлган масалаларга татбиқ этиш ёки бошқа ҳолатларга ўтказиш қобилияти кабилар шакланмаган бўлади. Олий таълим муассасаларида фанларни ўқитишда ҳеч қандай кетма-кетлик, изчиллик йўқ, умумкасбий ва ихтисослик фанларининг ишчи дастурлари ўқув вақтида мувофиқлаштирилмайди. Шунинг учун ўқув материаллари такрорланиши, тегишли бўлимларни ўрганишнинг мантиқий кетма-кетлигини бузиш, шартларнинг номуносиблиги каби бир қатор тушунмовчиликларга дуч келинади.

Таълим жараёнида интеграция маълум фан доирасида ва фанлараро бўлиб, уни дарс машғулотларида амалга ошириш интегрatív ёндашув жараёни бўлиб хизмат қилади.



1-расм. Таълим жараёнидаги интеграция

Юқоридаги 1-расмни таҳлил қилар эканмиз, таълим жараёнидаги интеграция, асосан, маълум фан доирасидаги интеграция

ва фанлараро интеграцияга бўлиниб, таҳлил қилинди.

Турли ёндашувларни умумлаштириб, интеграцияни бирлашма ва мураккабликнинг ўсиши билан бирга айрим фанларнинг структуравий элементларининг ягона мафқуравий ва мантиқий-методологик асослари бўйича ўзаро таъсир қилиш жараёни деб ҳисоблашимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан фанлар интеграцияси тегишли тузилишга эга бўлган тизим сифатида қаралиши ва ривожланишининг турли босқичларига эга объектив жараён сифатида эътиборга олиниши керак. Интегротив ёндашув эса турли фанларни ўзлаштиришдан олинган билим, кўникма, малака ва тажрибаларни ҳисобга олиш, таяниш, интеграция қилиш, чет тилларда мулоқот, касбий шаклланиш, касбий мослашиш, касбий коммуникативлик, касбий компетентликни баравар ривожлантириш.

Бошқариладиган билимлар интеграциясини амалга оширишда 2 та йўналиш мавжуд. Улардан биринчиси анъанавий тавсифга эга ва унда ўқитувчи муайян даврлар мобайнида табиий равишда икки ёки ундан ортиқ илмий фанлар бўйича ўқув материалларининг мазмунидан келиб чиққан алоқаларни кўриб чиқади. Иккинчи йўналиш, интеграциялашув жараёни учун асос бўлиб, бирорта техника йўналишидаги институтлар фанлари чегарасига мутлақо мос келмайдиган маълум бир маълумот ва кўникмалар тўпламини танлашдан иборат.

Таълим жараёнини интегротив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш назарда тутилар экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

1. Мавзуларни кетма-кет тақдим этиш асосида интеграция, бунда ўқув материалларини баён қилишда концентризм принципига амал қилинади. Яъни олдинги ўқув материал кейингисини тўлдиради. Лекин ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Бундай интегротив ёндашув натижасида талабанинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда ижодий фаолиятлари мунтазам равишда ривожланиб, бойиб боради.

2. Ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нуқталарни вужудга келтиришга асосланган интеграция; бунда ҳам такрор тарзда бериладиган тавтология асосидаги ўқув материалларининг олдини олиш учун дастурларда мавзулараро уйғунликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг афзаллиги шундаки, тала-

банинг вақти ва кучи тежаллади, дарсликларнинг ҳажми ихчамлашади ва таннархи арзонлашади.

3. Модуллашган интеграция: бундай интеграция доирасида турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда, узвий тарзда талабаларга тақдим этилади.

4. Интегротив дастурлар: ушбу типдаги дастурлар бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирилган ҳолда тақдим этишни назарда тутлади. Бугунги кунда ўқув режасида ўқув предметларининг сони максимум кўпайиб кетганлигини инобатга олсак, бундай типдаги дастурларни яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

5. Мавзулараро интеграция: бунда айтилган бир курс доирасида бериладиган ўқув материаллари бошқа бир курс доирасидаги моҳиятан яқин бўлган ўқув материаллари билан интеграциялаштирилади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқув жараёнида ўзаро алоқаларни муваффақиятли қўллаш, материални мунтазам, изчил ўрганиш, амалий вазибаларни тузишда замонавий илмий-техник адабиётлардан олинган маълумотлардан фойдаланиш, мавзу бўйича билимларни бирлаштириш ва чуқурлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Юқоридаги фикрларга асосланиб, қуйидаги таклифларни келтириб ўта-миз:

Биринчидан, таълим жараёнида интеграцион алоқаларни мунтазам равишда аниқлаш ва ундан фойдаланиш учун фанларнинг интеграциясини амалга ошириш бўйича дидактик материалларни ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, касбий компетенцияни ривожлантириш жараёни ва унинг самарадорлиги ташқи шароитлар, усуллар, таълим шакллари, хатти-ҳаракатлар кетма-кетлиги, муаммоларни ҳал этиш йўллари замон талаблари асосида шакллантириш ва ривожлантириш йўллари амалга ошириш.

Учинчидан, турли фанларни ўрганишда интеграцион алоқаларни қўллаш учун шароит яратиш.

Тўртинчидан, турли фанлардан билимларни умумлаштириш масалаларини муваффақиятли ҳал қилган ўқув машғулот шакллари ишлаб чиқиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. – Т., 2020 йил, 23 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: [www Lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Шавкат Мирзиёев. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармон. <https://lex.uz/>
3. Шавкат Мирзиёев. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармон. <https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги 606-сонли “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” қарори.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. <https://lex.uz/>
7. Авазбоев А.И. ва Исмадияров Я.У. Касбий педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2014. – 396 б.
8. Ветвицкая С.М. Интегративный подход в исследовании этноса. // Перспективы науки, 2013. № 3(42). С. 232-235.
9. Мусаханова Гулнора Мавляновна. (2022) “Кейс-стади” технологияси талабаларнинг мустақил таълим жараёнида ташкилотчилик қобилиятини ривожлантирувчи инновацион метод сифатида. Архив научных исследований, 2(1). Извлечено от: <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1427>.
10. Мусаханова Гулнора Мавляновна. (2022) Мустақил таълим жараёнида таълим олувчиларнинг ташкилотчилик қобилиятларини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш. Архив научных исследований, 2(1). Извлечено от: <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1503>
11. Мусаханова Г.М. (2022) Направления развития навыков самостоятельного обучения студентов в условиях цифровизации экономики. Международный журнал исследований и обзоров социальных наук, 5(1), 64-67. <https://doi.org/10.47814/ijssrr.v5i1.160>
12. Шутова И.П. Интегративный подход в содержании экологической подготовки будущих учителей. / И.П.Шутова. // Вестник Северного (Арктического) федерального университета. Серия: Гуманитарные и социальные науки. 2015. С. 147-154.



OLIV TA'LIM XIZMATLARINI RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANIB TARG'IB QILISHDA AXBOROT UZATISH VA O'ZARO MUNOSABATLAR O'RNATISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a39

Musayev Bekjon Shukurillayevich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Marketing kafedrasida dotsenti

Аннотация. Ushbu maqolada oliy ta'lim xizmatlarini raqamli texnologiyalardan foydalanib targ'ib qilishda haqiqiy va potensial iste'molchilarning talab va ehtiyojlarini hisobga olgan holda axborot uzatish va o'zaro munosabatlar o'rnatish tizimi takomillashtirilgan.

Калит со'злар: oliy ta'lim xizmatlari, marketing, raqamli texnologiya, internet marketing, raqamli marketing, targ'ib qilish, aloqa o'rnatish mumkin bo'lgan auditoriya.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПЕРЕДАЧИ ИНФОРМАЦИИ И ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ПРИ ПРОДВИЖЕНИИ УСЛУГ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Мусаев Бекжон Шукурллаевич
Самаркандский институт экономики
и сервиса, доцент кафедры “Маркетинг”

Аннотация. В этой статье в этой статье была улучшена система оборудования и взаимодействия, принимая во внимание требования и потребности реальных и потенциальных потребителей.

Ключевые слова: услуги высшего образования, маркетинг, цифровые технологии, интернет-маркетинг, цифровой маркетинг, продвижение, аудитория, где возможно общение.